www.wordlyknowledge.uz Volume: 2, Issue: 1, 2023

# ЗАМОНАВИЙ ТАҲЛИЛИЙ ЖАНРЛАР ВА УЛАРНИНГ БОШҚА ЖАНРЛАРДАН ФАРҚИ, ТАРАҚҚИЁТ БОСҚИЧЛАРИ

**Озода АНВАРДИНОВА Зокиржон қизи**
Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар университети
Халқаро журналистика факултети магистранти

**Аннотация:** Жанр деганда оммавий ахборот воситалари матнларнинг умумлаштирилган ва типиклаштирилган воқеликни акс эттиришнинг бадиий ва публицистик шаклини тушунамиз. Бу тушунча воқеликни билиш усуллари, унинг акс этиши ва ижтимоий амалиётга таъсир ўтказишига кўра фарқланувчи асарлар мазмун ва шаклининг умумий хусусиятлар йиғиндисини англатади. Жанрлар ҳақида гапиришдан олдин уларни қандай фарқлашни билиб олишимиз лозим. Журналистиканинг ҳар бир жанри ўзининг вазифаси, кўриниши ва ёзилиш услубига эга, десак хато бўлмайди. Ҳозиргача публицистик жанрларни гуруҳлаштиришда турли ёндашувлар мавжуд. Бу ҳолат журналистикада мазмун ва шакл уйғунлигини таъминловчи янги жанрнинг пайдо бўлиши, эскиларнинг амалиётдан мантиқий равишда чиқиб кетишини тақозо этади. МДҲ журналистикасида публицистик жанрлар учта асосий гуруҳга – ахборот, таҳлилий, бадиий публицистик ва шарх каби гуруҳларга ажралади. Ғарб журналистикасида эса, асосан, материаллар янгиликлар ва очерклар тарзида узатилади.

**Калит сўзлар:** Таҳлилий журналистика, холислик, таҳлилий ҳисобот, таҳлилий интервью, таҳлилий сўров, изоҳ, журналистик текширув, маҳорат, журналистнинг ўз услуби.

Таҳлилий журналистика — бу жамоатчилик тушунчасини яратиш учун мураккаб воқеликни англашга интиладиган журналистика соҳасидир. Бу тадқиқот амалиётлари ва журналистик маҳсулот жиҳатидан ажралиб туради. Баъзида унда ижтимоий фанларни тадқиқ қилиш усулларидан фойдаланилади.

Таҳлилий журналистика мазмун-моҳияти, йўналиш ва ёзилишига кўра бир неча жанрлар билан чегараланади. Буларга корреспонденция, мақола, тақриз, журналист суриштируви каби жанрлар киради. Бу жанрларнинг бир-бирига ўхшаш ва шу билан бирга фарқли томонлари бор. Ўхшаш томони шундаки, ҳар бир жанрнинг объекти битта — яъни, муайян бир воқеликдир. Ҳар бир жанр фактларга асосланади. Бу фактлар ана шу воқеликдан олинади ва қайта ишланади. Ҳар бир жанрда таҳлил устивордир. Унда журналистиканинг холислик, ҳаққонийлик, тарихийлик, ҳужжатлилик, миллийлик, халқчиллик, умуминсонийлик каби тамойилларига асосланади. Фарқли томонлари эса жанрларнинг талабларидан келиб чиқади. Масалан, корреспонденциянинг асосий ахборий вазифаси —тушунтириш, бўлиб ўтган воқеликни атрофлича ёритиш устиворлик қилиб, предметни қисмларга бўлиб, кенгроқ ўрганади. Шу боис у кўпроқ кенгайтирилган ахборотга ўхшайди. Унинг вазифаси — нимага, — нима сабабдан деган саволлар жавоб беришдир. Мақола бирор бир муаммо, масаланинг ечимини очиб беришга қаратилиб, — нима қилиш керак? деган саволга жавоб бериши кўзда тутади. Мақолада эса эркинлик, таҳлил орқали воқеликни ҳар томонлама ёритишга имкон бор. Тақриз айнан воқеликни эмас, балки мавжуд объектни, яратилган воқеликни ўрганади. Шу боис, бу жанрни — ахборот ҳақидаги ахборот дейиш мумкин. Журналист суриштирувида эса бўлиб ўтган воқелик юзасидан ҳақиқатни сир тутган ҳолатларда, адолатни барқарорлаштириш учун олиб борилади. Мазкур жанрларни бирлаштирувчи асос эса бу — таҳлилнинг мавжудлиги билан белгиланади.

Маҳаллий оммавий ахборот воситаларининг ўзига хос хусусиятларидан бири бу анъанавий равишда янгиликларни ёритишга эмас, балки мавжуд воқеалар, жараёнлар,

www.wordlyknowledge.uz Volume: 2, Issue: 1, 2023

вазиятларни таҳлил қилиш, тадқиқ қилиш, талқин қилишга қаратилади. Шу сабабли оммавий ахборот воситаларида аналитик жанрларнинг етарлича самарали тизими яратилди. Ушбу тизим бир маротаба берилган нарса эмас, у доимий равишда ривожланиб боради ва таҳлилий журналистика олдида турган вазифаларга мослашади. Сўнги йилларда жаҳон журналистика оламида бу борада сезиларли ўзгаришлар рўй берди: баъзи жанрлар ўзгартирилди ва қўшимча равишда янги барқарор турлар таҳлилий жанрлар пайдо бўлди. Қуйида замонавий даврий нашрларга хос бўлган таҳлилий жанрларнинг бир қисми кўриб чиқилган.

***Таҳлилий ҳисобот.*** Мавзу, маърузалар, турли йиғилишлар, конгресслар, митинглар, конференциялар ва бошқаларда иштирокчиларнинг чиқишларидан иборат тадбир. Таҳлилий ҳисоботнинг мақсади - муайян мулоҳазалар, баҳолашлар, хулосалар, таклифларнинг ёки ўртада туғилган муаммоларни ёритиш ва иштирокчиларнинг чиқишларини баҳолаш. Вазиятга қараб, журналист воқеанинг сабабини, юзага келган муаммонинг келиб чиқиш сабабларини ўрганади ёки ўқувчига содир бўлган ҳодисани тушунтириш, ҳамда, ҳолатни баҳолашга эътибор қаратиши мумкин. Журналист юқоридаги йўналишларни бирини танлайди ва бу таҳлилий ҳисоботнинг турини масалан, тушунтирувчи ҳисобот, баҳолаш ҳисоботи ёки ҳисобот дастури эканини аниқлайди.

***Таҳлилий интервью.*** Бу жанр интервью усулидан фойдаланиган ҳолда маълум бир маълумотни олиш кўзда тутилади. Суҳбат усули эмпирик усулларни англатади. Шунинг учун интервью жанри ахборот жанрларига бўлинади. Аммо интерьвю тайёрлаш ва таҳлилий материаллар учун маълумот олиш учун ишлатилади. Таҳлилий интервью, қўшимча равишда, саволларга жавоб бераётганда, фактни таҳлил қилишни ҳам ўз ичига олади: Нима учун? Қандай қилиб? Бу нимани англатади? Шу каби жавобга янада ойдинлик киритувчи саволларни қўшиш мумкин бўлади.

***Таҳлилий сўров.*** Ахборот сўровига ўхшайди. Фарқи: аналитик сўров нашрлари батафсил шарҳнинг хусусиятларига эга бўлади. Сўровнинг таҳлилийлик даражасини юқори бўлиши саволларнинг тўғри тузилганлиги билан боғлиқ бўлади.

***Изоҳ***. Бугунги кунга қадар барча даврларда ундан фойдаланилган. Бизнинг асрга келиб, изоҳ ёрдамида муаллиф ҳозирги воқеаларга ўз муносабатини билдиради, вазифалар ва улар билан боғлиқ муаммоларни ечимини ўз фикрлаш доирасидан келиб чиқиб баён қилади.

***Мониторинг***. Бирор ҳодисани маълум бир даражада кузатиш, бирор фаолият соҳасидаги бир хил параметрларни мунтазам равишда ўлчаб бориш.

***Журналистик текширув***. Журналист ёритиш учун танлаган мавзу сезиб бўлмас даражада кичик ва салбий ҳодисадир. Мана шу салбий ҳодисанинг келиб чиқиши, оқибатлари, сабабларини аниқлаш журналист олдига қўйган мақсад бўлади. Албатта, бунда яширин хужжатлар, ноқонуий ҳолатлар ўрганилади ва маълумот тўплашда журналистдан катта маҳорат талаб этилади. Муаллифнинг бир қатор актёр қаҳрамонлари ролини ижро қилишини ҳам кузатиш мумкин.

Маълумотни кузатиш усуллари, суҳбатлар, ҳужжатларни таҳлил қилиш ва бошқалар орқали олиш мумкин. Энг самарали усуллардан бири эса, бу касбни ўзгартиришдир. Журналист зарур маълумотларнинг аксариятини фақат норасмий воситалар орқали олиши мумкин.

Журналист текширувларининг таҳририятга келган шикоят хатлари асосида олиб бориш ҳолати ҳам мавжуд. Баъзан шундай ҳам бўладики, таҳририятга шикоят билан мурожаат қилган фуқаро маълум бир вақт ўтиб, (бунда журналист текшируви ўтказиш жараёни кетаётган бўлади), фикридан қайтади, даъвоси ва кўрсатмаларидан воз кечади. Бунда одатда журналист текшируви тўхтатилади, башарти материал тайёр бўлса ҳам,

www.wordlyknowledge.uz Volume: 2, Issue: 1, 2023

ОАВга олиб чиқилмайди. Шикоятчидан журналистни чалғитгани, асоссиз вақтини олгани учун жарима ундирилади. Ёки журналистнинг тўплаган фактлари асосли, муаммо бир шахс эмас, жамият аҳамиятига молик бўлса, оммага тақдим этилиши зарур ҳисобланса, шикоят эгаси воз кечган ҳолда ҳам текширув мақоласи эълон қилиниши мумкин. Бу журналист ва таҳририятнинг журъати ҳамда қатъий позициясига боғлиқ. Журналист текшируви қонун бузилиш ҳолатларини аниқлаб бериш эмас, балки ҳеч ким илғамаган ёки омма эътиборидан яширилаётган фактларни йиғиш, мураккаб вазиятларнинг моҳиятига етиш учун ўқувчига ёрдам беришдир.

Бугунги кун танденцияларига назар солсак, жанрлар тобора қисқариб баъзилари бутунлай йўқ бўлиб кетяпти. Россия босма нашрларига 90 йилларда кириб келган янгича назар, янгича руҳ баъзи жанрларни янада такомиллаштиришга асос бўлган бўлса, баъзи жанрларни бутунлай тарк этишга чақирди. Замонавий медианинг ривожланиши, интернет журналистикасининг пайдо бўлиши аввалги иншо, фелетон жанрларини бутунлай йўқ бўлишига олиб келган бўлса, интервью, шарҳ жанрлари аввалгидан кўра яхши ёритила бошлади. Бунда, оммавий ахборот воситаларга қўйилган чекловларнинг олиб ташланиши, ошкоралик, сўз эркинлиги катта аҳамиятга эга, - дейди россиялик журналист, профессор Веденкин[1]. Сўз эркинлигининг берилиши таҳлилий жанрларнинг ривожланишига ўзининг жуда катта ижобий таъсирини кўрсатади.

А.А.ТЕРТЫЧНЫЙ: “Жанр бу воқеликнинг ўсига ҳос акси бўлиб, ижодкор, яъни матн муаллифининг унга бўлган муносабатининг матнда акс этишидан ташкил топади. Қайси жанрда қалам тебратишдан қатъи назар журналист:

- ижодий сезгиларига қулоқ тутиши;
- журналистнинг ўз услуби;
- фактларнинг холислиги каби омилларга эътибор қаратиши лозим”[2].

Сўз эркинлигига берилган эътибор сабаб сўнгги уч йилда мамлакатимиз босма оммавий ахборот воситаларида ҳам таҳлилий жанрларда чоп этилган мақолалар сони ортди. Шу билан бирга, уларда ёритилган мавзулар, муаммоларнинг ўрганилиш, таҳлил қилиш даражаси аввалги даврга қараганда сезиларли даражада ошди.

[1] https://www.history-journal.ru/index.php?request=full&id=121#

[2] **ТЕРТЫЧНЫЙ Александр Алексеевич** «Жанры периодической печати» -М.: “Галерия”, 2002. – с.154.